

“НКМК” АЖ нинг 2023 йил  
“29” декабрдаги  
771 -сонли бўйруғига 1-илова

**“НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЛИМИ**

**“НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА  
ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига (кейинги ўринларда Конун деб аталади) мувофиқ “Навой кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамиятида (кейинги ўринларда “НКМК” АЖ деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаат деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

Кўриб чикиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун хужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

“НКМК” АЖнинг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**ариза** - хукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** - бузилган хукуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаф баён этилган мурожаат;

**аноним мурожаат** - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** - айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг мурожаати нусхаси;

**такрорий мурожаат** - аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишининг қонун хужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

**электрон мурожаат** - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан “НКМК” АЖнинг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**оммавий қабул** - «НКМК» АЖ раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахснинг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**видео-конференц-алоқа** - узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вакт режимида аудио ва видеоахборот алмасиши имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**давлат иштирокидаги ташкилот** - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилот.

**сайёр қабул** — давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиқсан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуй.

4. Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят турида берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга.

“НКМК” АЖнинг “Ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда ва “НКМК” АЖнинг “Ишонч телефони” тўғрисидаги Регламентда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқлади.

“НКМК” АЖнинг расмий веб-сайти орқали ёки расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (кейинги ўринларда Ҳукумат портали деб аталади) орқали келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндангি 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари хисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқлади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

## **2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш хуқуқлари кафолатлари**

5. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуки кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуки ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни химоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Қонунга мувофиқ хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

7. Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш бўйича ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

8. Мурожаатлар “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари

ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг “НКМК” АЖга бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди.

9. Мурожаатларни кўриб чиқишида жисмоний шахсларнинг шахсий хаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

10. Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

### **3-боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

11. Мурожаатлар уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсларига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибида берилиши мумкин.

12. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аник номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс ракамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

13. Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилимайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳакида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

14. Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун саклаб қолиниши мумкин.

15. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланаб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

16. Мурожаатларни бериш муддатлари, коида тариқасида, белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиши бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юкори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи харакат (харакатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоги билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахси томонидан тикланади.

17. Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат давлат органининг хати билан мурожаат қилувчига кайтарилади.

Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза давлат органлари, ташкилотлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

#### **4-боб. Давлат органларида, ташкилотларида мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш**

18. Давлат органларида, ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

19. Тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиши учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг хисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадида “НҚМК” АЖда белгиланган умумий штатдаги ходимлар сони доирасида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим (кейинги ўринларда мурожаатлар билан ишлаш бўлими деб аталади) ташкил этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директорига бўйсунади.

20. Мурожаатлар билан ишлаш бўлими:

- таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қиласида ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

- мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директорини дарҳол хабардор қиласида;

- мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директорига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган “НҚМК” АЖ ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

21. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимнинг ходимларига қўйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

- ўрта-маҳсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;

- камида уч йиллик иш стажи бўлиши;
- уларнинг ходими бўлган “НКМК” АЖ фаолияти, функцияларига оид мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлиш;
- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;
- киришимлилик;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларни кўллашни билиш;
- “НКМК” АЖнинг коррупцияга қарши сиёсатига;
- ички меҳнат тартиби қоидаларига;
- “НКМК” АЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши лозим.

Бўлим мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда илтифотли, қатъиятли, эътиборли бўлиши керак, мурожаат қилувчиларга нисбатан хушмуомалали, вазмин ва эътиборли, шахснинг шаънини камситмаслиги, унга нисбатан меҳрибон бўлиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ташки кўриниши бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг-“НКМК” АЖга, ташкилотларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш тартибига риоя этиши вазмин ва интизомли бўлиши керак.

22. Мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар ўқитилади ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакаси оширилади.

23. “НКМК” АЖ ва унинг бўлинмаларида ушбу Низом талабларига кўра, мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этилиши мумкин.

“НКМК” АЖда мурожаатлар билан ишлаш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси, Ҳукумат портали орқали, “НКМК” АЖ электрон почтаси орқали келиб тушган мурожаатлар электрон шаклда;

“НКМК” АЖда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар ёзма ёки электрон шаклда олиб борилади;

“НКМК” АЖ раҳбариятига поча орқали ёки бевосита келиб тушган мурожаатлар ёзма шаклда олиб борилади.

24. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида “НКМК” АЖда виртуал қабулхона ташкил этилиши мумкин.

25. Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, мурожаатда кўрсатилган масалани кўриб чиқиш (ҳал қилиш) бир нечта бўлинма ва ташкилотларининг ваколатига кирса, мурожаатни кўриб чиқувчи бўлинма ва ташкилоти бошқа давлат органлари ва ташкилотларига жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатини коллегиал эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

## **5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари**

26. Ёзма ва электрон (агар давлат органлари, ташкилотлари ва маҳаллий ижро этувчи органларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда электрон ҳужжат айланиш дастури жорий этилмаган бўлса, қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар мурожаатларни рўйхатга олиш журналига тегишли ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини қўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўлими томонидан рўйхатга олинади.

Мурожаатлар ёзма ёки электрон тарзда рўйхатга олинishi мумкин.

Мурожаатларни рўйхатга олиш журналида мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси (исми ва отасининг исми), унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг жойлашган жойи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган давлат органи, ташкилоти таркибий бўлинмасининг номи, сана қўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги белги кўрсатилади.

Қайд этиш штампида “НКМК” АЖ нинг расмий номи (умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

27. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари “НКМК” АЖга оғзаки мурожаат этишганда улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошка материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай “НКМК” АЖ бош директорига, унинг ўринбосарига ёки таркибий бўлим раҳбарига киритилади, у масъул таркибий гурухни (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топшириқнома) кўяди.

Резолюция (топшириқнома) кўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) имзо кўйдирган ҳолда беради. Бунда ижрочи этиб белгиланган таркибий бўлинма (ходим) томонидан ижро этиш тўғрисидаги белги кўйилади.

28. “НКМК” АЖга келиб тушган мурожаатлар иш юритувига қабул қилиниши, бўйсуниш тартибида “НКМК” АЖ бўлинмаларига (кейинги ўринларда куйи орган деб аталади) юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошка давлат органига, ташкилотга юборилиши мумкин.

29. Куйи орган томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар унга келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан бош директор ўринбосарлари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

30. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошка таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

31. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошка давлат органларидан, бошка ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошка сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуqlари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига заар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичida тақдим этиши шарт.

32. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, “НКМК” АЖ бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошка мансабдор шахс мурожаат этувчини ёзма тартибда хабардор қиласи.

33. Агар мурожаатда ўртага кўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишида иштирок этиш учун давлат органлари, ташкилотлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун давлат органи, ташкилоти томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

34. Кўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган “НКМК” АЖга, келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай “НКМК” АЖ бош директори ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошка мансабдор шахс томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун асоссиз равища бошка давлат органларига, ташкилотларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган

тушунтириш билан мурожаат қилувчиларга қайтарилади.

35. Мурожаатни кўриб чиқилаётганда ташаббусга кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

“НКМК” АЖ масъул раҳбар ва ходимлари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириши ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради.

Зарур ҳолларда мурожаат этувчини эшитишга эксперктларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиш мумкин.

36. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилоти мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиши таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиши “НКМК” АЖ бош директорининг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс топшириги ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

37. Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишининг имконияти бўлмаганда, улар давлат органи, ташкилотининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин, чақирилган мурожаат қилувчи келмаган тақдирда давлат органи, ташкилотининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиши мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

38. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат органига, ташкилотига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Электрон мурожаатлар тушган кунида қофозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса - навбатдаги иш кунида қофозга босиб чиқарилиши керак.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига оммавий қабуллар вактида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг кисқача мазмuni, шунингдек, уни кўриб чиқиши натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

39. Ариза ёки шикоят масалани мазмuni бўйича ҳал этиш шарт “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсларига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари тегишли “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринбосарлари томонидан истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

40. Таклиф “НКМК” АЖ келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

41. Айрим ҳолларда “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринбосари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс мурожаатларни кўриб чиқиши муддатларини қискартиришлари мумкин.

42. Мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари бўйича “НКМК” АЖ томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Мурожаатни қониқтирмаслик тўғрисидаги қарорни “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс қабул қиласи.

Мурожаатга жавоб ҳатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятта қараб қонун хужжатлари нормаларига ҳавола қилинган ҳолда) бўлиши керак.

43. Мурожаатга жавоб хати “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари, ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

44. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари қонун талаблари ва мазкур Низомга мувофиқ қўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилгандарнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки, уларнинг талабига қўра, бошқа шахсга юборилади.

45. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига қўра мурожаатни қўриб чиқсан “НКМК” АЖ раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирасдан тушунириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига қўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига қўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига даҳл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичida қўриб чиқилади.

46. Мурожаат, унда кўтарилиган барча масалалар қонун талабларига мувофиқ қўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда қўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни қўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳакда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим мурожаатларни рўйхатга олиш журналига ва ҳисобга олиш карточкасига белги қўяди.

47. Юқори давлат органининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни қўриб чиқсан давлат органи мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни қўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори давлат органига ёзма шаклда хабар беради.

48. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлик материалларни сақлаш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмада белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **6-боб. Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва қўриб чиқишни тугатиш**

49. Куйидаги мурожаатлар қўриб чиқилмайди:

- аноним мурожаатлар;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

50. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари, ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳакда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари, ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқланади.

Ишонч телефонлари, “тезкор алока”га тушган мурожаатлар конунда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган мурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижордан олинади ва қўриб чиқилмайди.

51. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим ёки таркибий бўлинма уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳакда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим раҳбари томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу мурожаат қўриб чиқилмайди, бу ҳакда мурожаат қилувчи ёзма равища хабардор қилинади.

52. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, бош директор ўринбосарлари, ёки бунга ваколат берилган

бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

53. Мурожаатларни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолларда тугатилади:

- агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

- агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

- яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

- мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, “НКМК” АЖ масъул раҳбар ва ходимлари томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

- агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳукуқий ворисликка йўл қўймаса.

54. Мурожаатни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисидаги қарорни “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс қабул қиласди.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 53-банд иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равища хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичидаги кайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқиши тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

## **7-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишини ташкил этиш**

55. “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

55<sup>1</sup>. “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори, унинг ўринбосарлари ва бўлинма раҳбарларининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадваллари (йиллик ёки ярим йиллик) ишлаб чиқилиб, мос равища юкори турувчи раҳбар томонидан тасдиқланади.

56. “НКМК” АЖда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи хамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни “НКМК” АЖнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган

жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Сайёр ва оммавий қабул ўтказиладиган бўлинмаларда тегишли бўлинмаларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул бўлим (хизмат) томонидан бир ҳафта олдин аҳоли билан тарғибот ишлари амалга оширилади.

57. “НКМК” АЖда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилоти раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

58. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим раҳбари ёхуд бошқа масъул ходим, шунингдек, “НКМК” АЖ бўлинмалари (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади), раҳбарлари ёхуд бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат килувчининг шахсини тасдиқлайдиган хужжатлар текиширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

59. Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларининг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видео-конференц- алоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

60. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

61. “НКМК” АЖда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

62. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмаси бўйича давлат органини, ташкилотининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

63. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш “НКМК” АЖ ёки уларнинг мансабдор шахсининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

64. Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартиralарга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

65. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 58-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

65<sup>1</sup>. Жойларда учрашувларни ўтказиш мавзусига “НКМК” АЖнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда устувор бўлган вазифаларни ва халқ билан очиқ мулоқотни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, “НКМК” АЖ фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти тўғрисида аҳолига етказиш, жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимларини топиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби долзарб масалалар киритилиши лозим.

65<sup>2</sup>. Сайёр ва оммавий қабулни ўтказиш натижалари бўйича тегишли баён тўлдирилади, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

66. Оммавий қабуллар вақтида “НКМК” АЖ бош директори ёки ваколат берилган

бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

#### **8-боб. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини видео-конференц-алоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш**

67. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакили “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ёхуд унинг ўринbosарларига ёки кадрлар бошқармаси бошлиғига видео-конференц-алоқа воситасида мурожаат бериши, олдиндан тасдиқланган маҳсус ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда видео-конференц-алоқа жадвал орқали амалга оширилади.

68. Бунинг учун мурожаат этувчи видео-конференц-алоқа ўрнатилган “НКМК” АЖга белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат килади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Талабномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- жисмоний шахс учун - мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;
- юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;
- электрон почта манзили;
- алоқа телефони ёки факснинг раками;
- видео-конференц-алоқа ўтказишга қулагай сана ва вакт;
- мурожаат тили;
- мурожаатнинг қисқача мазмуни.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

69. Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кунидан кечикмай мурожаатлар билан ишлаш бўлими томонидан рўйхатга олинини ва “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринbosарлари ёки ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахсга киритилиши керак.

70. “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва унинг ўринbosарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс талабномани кўриб чиқиб, видео-конференц-алоқа орқали кўриб чиқиши ёки кўриб чиқишини рад этиш ҳақида қарор қабул қиласи.

Қабул қилинган қарор, видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиши вақти ва жойи ҳақида давлат органи, ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради.

71. Видео-конференц-алоқа орқали мурожаатни қабул қилиш жадвали ўзгарган тақдирда, мурожаатлар билан ишлаш бўлими олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва/ёки факс ракамлари, почта ва бошқалар) орқали огоҳлантириши керак.

72. Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

#### **9-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуклари**

73. Мурожаатлар “НКМК” АЖ Бошқарув раиси-Бош директори ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қўйидаги хукукларга эга:

- мурожаатни кўриб чиқишининг бориши тўғрисида ахборот олиш;
- важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;
- мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиши натижалари билан танишиш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;
- адвокат ёрдамидан фойдаланиш;
- мурожаатни кўриб чиқиши тўхтатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;
- ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат

бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чакириб олиш;

- мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқиши қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

74. Жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишида ўзларининг ҳатти-харакатлари билан бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

#### **10-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишида давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликлари**

75. Мурожаатларни кўриб чиқишида “НКМК” АЖ ва уларнинг мансабдор шахслари қўйидаги ҳукуқларга эга:

- мурожаатни кўриб чиқиши учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- мурожаат қилувчи ёки унинг вакилини улар йўклигига мурожаатни кўриб чиқиши мумкин бўлмагандан ёхуд мурожаатни эшитиш учун чакириш;

- била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

“НКМК” АЖ ва унинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

76. “НКМК” АЖ ва унинг мансабдор шахслари:

- мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

- мурожаат қилувчига унинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига заар етказмаса, таъминлаши;

- мурожаат этувчига кўриб чиқиши натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дархол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

- мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

- мурожаатни кўриб чиқиши натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

- қонунга хилоф харакатларни (харакатсизликни) бартараф этиш юзасидан дархол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

- жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

- агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий заар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий заарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

“НКМК” АЖ ва унинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **11-боб. Мурожаатларнииг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

77. “НКМК” АЖ бош директори ва унинг ўринбосарлари ёки бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб

шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиши билан боғлиқ заарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиши учун тегишли давлат органлари, ташкилотларининг ёки уларнинг мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичидаги йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади.

Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишида қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилоти томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсадан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

86. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

### КИРИТИЛДИ:

Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатларига оид ишларни назорат  
қилиш ва мувофиқлаштириш бўлимни  
бошлиги


Ш.А.Идиев

имзо 

### КЕЛИШИЛДИ:

Бош директорнинг ходимлар ва  
маъмурий масалалар бўйича  
ўринбосари, Бошқарув аъзоси

Қ.Х.Тапаров

имзо 

Тартибот бўлимни бошлиги

Э.Д.Челебиев

имзо 

Умумий бўлимни бошлиги

Л.Р.Бобакулова

имзо 

Комплаенс хизмати бошлиги

Р.Ф.Авезов


имзо 

Бош юрисконсульт

М.Р.Хайтова

имзо 

**“Навоий кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ**



Мурожаатлар “Навоий кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамиятига юкори давлат органлари ёки тегишилилиги бўйича бошка давлат органлари орқали хам тушиши мумкин. Зарур холларда мурожаатларини кўриб чикиш юкори давлат органи томонидан назоратта олинади.

**Низомга 2-илова**

**(Олд томони)**

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ  
МУРОЖААТЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ КАРТОЧКАСИ**

|  |                                       |
|--|---------------------------------------|
| Тартиб раками:                             | Савол:                                |
| Мурожаат қилувчи:                          |                                       |
| Манзили:                                   |                                       |
| Мурожаат келиб тушган сана:                | Мурожаат қилувчилар сони:             |
| Мурожаатнинг шакли:                        | Варақлар сони:                        |
| Қабул шакли:                               | Дубликат/такрорий                     |
| Мурожаатнинг тури:                         | Олдинги мурожаатнинг санаси ва раками |
| Назорат тури:                              |                                       |
| Мурожаатнинг қисқача мазмуни:              |                                       |
| Резолюцияни (топширикни) имзолаган раҳбар: |                                       |
| Раҳбарнинг резолюцияси (топшириғи)         | Бажариш муддати:                      |
| Таркибий бўлинма:                          | Ижрочи:                               |

**(Орқа томони)**

| Мурожаатларни кўриб чиқиш холати                              |  |                                 |
|---|--|---------------------------------|
| Юборилган сана  | Қаерга юборилган                             | Жавоб хатининг санаси ва раками |
|   |  |                                 |
| Муддат узайтирилган:  | Ким (имзо)<br>томонидан:                     |                                 |
| Жавоб хати келган сана:                                       |  |                                 |
| Кўриб чиқиш натижаларининг қисқача мазмуни:                   |  |                                 |
| Назоратдан олинди<br>(ким томонидан):<br>Сана:                | Бажарувчининг<br>имзоси:<br>Бажарилган сана: |                                 |
| Мурожаатнинг кўриб чиқиш муддати бузилганлиги хақидаги белги: |  |                                 |